

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУРАТОВ ИЛХОМ ТУРҒУНОВИЧ

**ИНТЕНСИВ БОҒЛАР БАРПО ҚИЛИШ УЧУН УРУҒМЕВАЛИЛАР
КУЧСИЗ ЎСУВЧИ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Нормуратов Илхом Турғунович

Интенсив боғлар барпо қилиш учун уруғмевалилар кучсиз ўсувчи
кўчатларини етиштиришнинг илмий асослари.....

Нормуратов Илхом Турғунович

Научные основы выращивания слаборослых саженцев семечковых пород
для закладки садов интенсивного типа

Normuratov Ikhom

Scientific basis for the cultivation of low-growing seedlings of seed species for
laying intensive gardens

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУРАТОВ ИЛХОМ ТУРҒУНОВИЧ

**ИНТЕНСИВ БОҒЛАР БАРПО ҚИЛИШ УЧУН УРУҒМЕВАЛИЛАР
КУЧСИЗ ЎСУВЧИ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Qx37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Султонов Комолитдин Садриддинович,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мирзаев Махсуд Махмудович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бердиев Эркин Турдалиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Кожахметов Советбек Кожахметович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 28 декабрда соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (536580-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил 15 декабрь куни тарқатилди.
(2018 йил 11 декабрдаги 36 рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

Я.Х.Юлдашов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида нок етиштириш ялпи ҳажми 16,9 млн. тонна ва олма етиштириш ҳажми 77,5 млн. тоннани ташкил этмоқда. Майдони ва ялпи ҳосили бўйича апельсин ва банандан кейинги учинчи ўринда турувчи ушбу меваларни ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилаётган Хитой (мос ҳолда 44,5 млн. ва 19,5 млн. тонна) АҚШ (4,65 млн. ва 0,73 млн. тонна) ва Туркия (2,93 млн. ва 0,47 млн. тонна) каби давлатларда¹ нок ва олма боғларининг деярли барчаси тўлиқ интенсив асосга ўтказилган. Республикамиз уруғмевалиларни етиштириш ҳажми бўйича бугунги кунда дунёда 19-ўринни эгаллаб келмоқда.

Дунёда уруғмевалиларни етиштирувчи етакчи мамлакатларда интенсив боғларни янада такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Булар учун жойнинг тупроқ иқлимига мос, чидамли пайвандтагларни яратиш бўйича селекция ишлари бажарилмоқда. Интенсив боғлар учун мос истиқболли кучсиз ўсувчи пайвандтаг сифатида қўллаш мумкин бўлган нок учун «С», «А» ва «R» серияли беҳи пайвандтаглари ва олманинг «М» ва «ММ» серияли пайвандтаглари яратилган ва улар интенсив боғ барпо қилишда кенг тадбиқ этилмоқда.

Республикамизда мевачилик тармоғини янада ривожлантириш, хусусан уруғмевалар экспортини оширишга ва ушбу соҳани илмий асосда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида юқори сифатли ҳосил берувчи замонавий интенсив боғлар майдонини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Экспортбоп мева етиштириш имконини берувчи интенсив боғлар асосан хориждан келтирилаётган кучсиз ўсувчи кўчатлар асосида барпо этилмоқда. Бунда кўплаб кўчатларнинг ўтказилгандан сўнг нобуд бўлиши кузатилди. Бу ҳолат асосан хориждан келтирилаётган кўчатларнинг республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос келмаслиги, келтирилаётган нок ва олма кўчатларининг суст экологик мослашувчанлиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-бандида «...янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» алоҳида белгилаб берилган². Шу боис, интенсив боғ барпо қилиш имконини берадиган кучсиз ўсувчи, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос нок ва олма кўчатлари етиштириш учун янги истиқболли пайвандтаглар танлаш бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга

¹<http://statinformation.ru/sel/apples.html>, <http://statinformation.ru/sel/grusha.html>;

² «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». Президент Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 феврал.

тегишли меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Уруғмевалиларнинг интенсив боғларини барпо қилиш имконини берувчи, ташқи экстремал омилларга бардошли, пайвандуст навнинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яратиш ва улар асосида кўчат етиштириш бўйича дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, East Malling Research Station (Буюк Британия), Horticultural Research Institute of Ontario (АҚШ), Research and Breeding Institute of Pomology Holovously Ltd. (Чехия), Institute for Fruit breeding at Dresden-Pillnitz (Германия), Бутунроссия боғдорчилик ва кўчатчилик селекцион-технологик институти ҳамда Қрим тажриба-селекцион станцияси (Россия)³, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Уруғмевалиларнинг вегетатив йўл билан кўпаювчи, етиштириш жойининг ташқи экстремал омилларига бардошли, кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яратиш ва улар асосида кўчат ишлаб чиқариш бўйича дунёда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: вегетатив йўл билан кўпаювчи нок ва беҳининг «R» серияли беҳи пайвандтаглари (Institute for Fruit breeding at Dresden-Pillnitz, Германия), олманинг «M» ва «MM» серияли пайвандтаглари яратилган (East Malling Research Station, Буюк Британия); нок пайвандтаглари ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтириш усули ишлаб чиқилган (Research and Breeding Institute of Pomology Holovously Ltd. (Чехия)); олма учун Парадизка Будаговского (ПБ) серияли ва нокнинг «C» ва «A» серияли вегетатив йўл билан кўпаювчи қатор пайвандтаглари яратилган (Бутунроссия боғдорчилик ва кўчатчилик селекцион-технологик институти, Россия).

Бутунги кунда хорижий мамлакатларда уруғмевалиларнинг юқори маҳсулдор супер интенсив боғларини барпо қилиш имконини берувчи пайвандтаглар яратиш ва уларга асосланган боғдорчилик ва кўчатчилик тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: узоқдан чатиштиришни қўллаб янги селекцион тизмаларни яратиш; пайвандтаглари биотехнологик усулда «in vitro» шароитида кўпайтириш; нав-пайвандтаг комбинацияларининг мос келмаслигини бартараф этиш, пайвандтаглардаги навлар агротехникаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

³<http://www.suttonelms.org.uk>, https://www.researchgate.net/Pear_Using_Hardwood_Cuttings, https://www.ishs.org/ishs-article/538_38, <https://vstisp.org/vstisp/>

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уруғмевалиларнинг юқори маҳсулдор, муҳитнинг стресс омилларига чидамли, кучсиз ўсувчи пайвандтагларга асосланган интенсив боғларини барпо қилиш имконини берувчи пайвандтаглар чиқариш, уларни кўпайтиришни ҳамда пайвандлаш усулларини такомиллаштириш бўйича R.Hatton, J.Palmer, K.Spidler, T.Necas, J.Kosina, В.Н.Будаговский, Л.А.Апонян, Е.Н.Седов, З.М.Серова, Н.Г.Красова, К.И.Байметов, Х.Б.Шаумаров, Б.Ҳ.Ғуломов, С.Я.Исламов ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Интенсив боғлар учун мақбул пайвандтаг яратиш ва танлаш, пайвандтаг материалларини вегетатив йўл билан кўпайтириш, ўстирувчи моддаларни қўллаш, кучсиз ўсувчи пайвандтагларга нав ўсимликларини пайванд қилиш технологияларини такомиллаштириш тамойиллари яратилган. Хусусан кучсиз ўсувчи пайвандтагларни чиқаришда узокдан чатиштиришни қўллаш, пайвандтагларни яшил, ярим ёғочлашган ва ёғочлашган қаламчаларидан, шунингдек «in vitro» шароитида меристемасидан кўпайтириш, пайвандтагларни вегетатив кўпайтиришда ўстирувчи моддаларни қўллаш; нав-пайвандтаг ўсимликлари агротехникаси ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Ҳозирги кунда уруғли мевалар интенсив боғларининг самарадорлигини янада ошириш, нав ўсимликларининг потенциал маҳсулдорлигини максимал намоён эта оладиган кучсиз ўсувчи пайвандтагларни танлаш, кўчат ишлаб чиқариш жараёнларига ресурс ва энергиятежамкор технологияларни татбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан диссертация тадқиқотлари уруғли мевалар пайвандтаглари коллекциясини ўрганиш ва улар орасидан кучсиз ўсувчи, республика тупроқ-иқлимнинг стресс омилларига чидамли шаклларни ажратиш ва кўчат ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса супер интенсив уруғмевали боғлар барпо қилиш имконини берувчи сифали кўчатларни республиканинг ўзида етиштиришда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимига қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқотлари ишлари режасининг А-08-126 «Боғ ва кўчатзор шароитида олма ва нокнинг энг интенсив вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларини ўрганиш ва танлаш» (2006-2007 йй.), КХА-8-035 «Боғ шароитларида кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда етиштирилган интенсив олма ва нок навларини ўрганиш ва танлаш» (2008-2009 йй.), КХА-7-069-IV «Боғ шароитларида кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда етиштирилган интенсив олма ва нок навларини ўрганиш ва танлаш» (2009-2011 йй.) амалий лойиҳалари, БМТ Тараққиёт Дастурининг «Савдо ривожланишига кўмаклашиш» халқаро лойиҳаси (2010-2011 йй.) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг кўшма ташаббуси бўлган «Ўзбекистон бизнес форуми (3-босқич, 2015-2016 йй.)» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интенсив боғлар барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи пайвандтагларда нок ва олма кўчатларини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш ва технологик жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уруғмевалиларнинг кучсиз ўсувчи пайвандтагларини она кўчатзордаги ҳолатини хўжалик-биологик баҳолаш;

пайвандтаглар она туплари пархиш маҳсулдорлиги ва сифатининг пайвандтаг тури биологик хусусиятига боғлиқлигини ўрганиш;

пайвандтаглар она тупларидан илдиз олган пархиш чиқишига она тупларни жойлаштириш схемаларининг таъсирини аниқлаш;

уруғмевалилар кучсиз ўсувчи пайвандтагларини яшил қаламчасидан кўпайтиришда уларнинг илдиз олувчанлигига ўстирувчи моддаларнинг таъсирини ўрганиш;

уруғмевалилар пайвандтаглари яшил қаламчасининг илдиз олувчанлигига уларни тайёрлаш муддатининг таъсирини аниқлаш;

интеркаляр пайванд қилиш усулида нок навларининг беҳи пайвандтагида тутувчанлигини аниқлаш;

уруғмевалилар наводор куртакларининг тутувчанлиги ва стандарт кўчатлар чиқишига пайванд қилиш усулларининг таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти беҳи ва нок учун қўлланиладиган «А», «С», «R₃», «R₄», «R₅», «Алуштинская», «ВА-29», «Херсонская» ва Форма «У» каби беҳи пайвандтаглари ҳамда районлаштирилган Лесная красавица, Зимняя нашвати 2, Вильямс, Левовассер, Любимица Клаппа, Оливье де Серр, Сары Гузаль, Старкримсон, Талгарская красавица навлари; олманинг вегетатив йўл билан кўпаювчи MVII, MIX, MM102, MM104, MM105, MM106, M-26, MM109, MM111, Сиверс олмаси каби пайвандтаглари ва районлаштирилган Голден Делишес, Старкримсон, Кинг Девид, Джонаред навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети уруғмевалиларни пайвандтагларининг морфо-биологик хусусиятлари, она тупларни жойлаштириш схемалари, пайвандтагларни пархишлаш ва яшил қаламчасидан кўпайтириш усуллари, ўстирувчи моддалар, куртак пайванд қилиш техникасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Х.Ч. Буриев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», В.Ф. Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами», М.Т. Тарасенконинг «Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов», С.А. Остроухованинг «Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма» сида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А. Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор нок ва олмани кучсиз ўсувчи пайвандтаглариининг она кўчатзордаги ҳолати хўжалик-биологик баҳоланган;

пайвандтаглар она туплари пархиш маҳсулдорлиги ва сифатининг пайвандтаг турининг биологик хусусиятига боғлиқлиги аниқланган;

пайвандтаглар она туплари пархиш новдаларининг илдиз олишига она тупларнинг жойлаштириш схемаларининг таъсири аниқланган;

нок ва олма пайвандтаглари яшил қаламчасининг энг яхши илдиз олувчанлигини таъминловчи ўстирувчи модда ИМК (индолил мой кислотаси) ва ИСК (индолил сирка кислотаси) нинг мақбул концентрацияси аниқланган;

нок ва олма пайвандтаглари яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги билан уларни тайёрлаш муддати ўртасидаги боғлиқлик даражаси ($r=0,87$) аниқланган;

интеркаляр пайванд қилиш усулида нок навларининг беҳига мос келмаслигини бартараф этиш мумкинлиги аниқланган;

уруғмевалилар пайвандтаглари куртак пайванд қилишда пайвандуст куртакларнинг тутувчанлиги ва стандарт кўчатлар чиқиш миқдорида пайвандтаг тури, куртакости ёғочликнинг таъсири ва пайванд қилишнинг қулай баландлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нок ва олмаларни интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи пайвандтаглариининг хўжалик аҳамияти баҳоланган;

пайвандтаглари вертикал пархиш усулида кўпайтиришда она тупларни жойлаштиришнинг мақбул схемаси танланган;

нок ва олма пайвандтаглари яшил қаламчасидан жадал кўпайтириш учун мақбул ўстирувчи модда тури ва унинг самарали концентрацияси аниқланган;

куртак ости ёғочликнинг таъсирини аниқлаш, пайванд қилишнинг мақбул жойини аниқлаш, интеркаляр қаламча ёрдамида нок навларининг беҳида тутмаслигини бартараф этиш каби ишланмалар билан уруғмевалиларни куртак пайванд қилиш технологик жараёнлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, тегишли сертификат ва дипломлар олинганлиги, ОАК рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нок ва олмани кучсиз ўсувчи пайвандтаглариининг она кўчатзордаги ҳолати хўжалик-биологик баҳоланганлиги, пайвандтаглари пархишлаш ва яшил қаламча усулида кўпайтиришда унинг она туп биологиясига ва тайёрлаш муддатига боғлиқлиги аниқланганлиги, яшил қаламчаларнинг ўстирувчи модда концентрациясига сезгирлиги ўрганилганлиги, куртак пайванд қилишда пайвандуст куртакнинг

тутиб кетишида пайванд қилиш жойи ва куртакости ёғочликнинг таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нок ва олманинг истиқболли пайвандтаглари пархишлаш ва яшил қаламчалаш усулида кўпайтириш технологиясининг самарали элементлари ишлаб чиқилганлиги, куртак пайванд қилишда пайвандуст куртакнинг самарали тутиб кетишини таъминловчи технологик ечим, яъни ёғочликни олиб ташлаш, уни новданинг мўътадил баландлигига пайванд қилиш, интеркаляр қаламча пайванд қилиш йўли билан нок навларининг беҳи пайвандтагида тутмаслигини бартараф этиш ишланмаларининг яратилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интенсив боғлар барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи пайвандтагларда уруғмевалилар кўчатлари етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик фермер хўжаликлари учун «Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда интенсив олма ва нок боғларини барпо қилиш» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида пайвандтаг етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

нок ва олманинг вегетатив йўл билан кўпаядиган кучсиз ўсувчи пайвандтаглари пархишлаш усулида кўпайтириш технологик ишланмаси Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида 0,9 гектар, Паркент туманидаги «Норчонтол» фермер хўжалигида 0,5 гектар, «Шомахмуд Назира» фермер хўжалигида 0,4 гектар, «Мадр ота» фермер хўжалигида 0,6 гектар, «Гулбоғ Ўтабоев Ўктам» фермер хўжалигида 0,3 гектар, жами 2,7 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан ўртача 72400 донадан ортиқ пайвандтаг материали, ўртача 76722 дона/га кўчат олишга эришилган, иқтисодий самарадорлик пайвандтаг етиштиришда анъанавий усулга нисбатан 0,6% кўпроқ, кўчатлар реализациясида ўртача 0,2% ни ташкил этган;

уруғмевалиларнинг вегетатив йўл билан кўпаядиган кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яшил қаламчасидан жадал кўпайтириш технологик ишланмаси Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида 0,1 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида махсус иншоотда 80 минг дона пайвандтаг материали олинган, иқтисодий самарадорлик анъанавий усулга нисбатан 0,8% кўпроқ даромадни ташкил этган;

уруғмевалилар пайвандтаглари куртак пайванд қилишда пайвандуст куртакларнинг тутувчанлиги ва стандарт кўчатлар чиқиш миқдорида куртакости ёғочликнинг таъсири ишланмаси Паркент туманидаги «Гулбоғ Ўтабоев Ўктам» фермер хўжалигида 0,4 гектар, «Сардор» фермер хўжалигида 0,5 гектар, жами 0,9 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209 сон маълумотномаси). Бунинг

натижасида гектарига ўртача 71778 кўчат етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектарига ўртача анъанавий усулга нисбатан 0,12% кўпроқ даромаддан иборат бўлган;

куртак пайванднинг тутиши, ривожланиши ва стандарт кўчат чиқишига пайванд қилиш муддатининг таъсири ишланмаси Паркент туманидаги «Мирпўлат» фермер хўжалигида 0,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 39900 донанок кўчати етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик мавжуд усулга нисбатан 0,7% ни ташкил этган;

кучсиз ўсувчи пайвандтагларда нок ва олма кўчатларини етиштиришнинг такомиллаштирилган технологияси Паркент туманидаги «Шомахмуд Назира» фермер хўжалигида 0,4 гектар, «Иноқов Ақром» фермер хўжалигида 0,6 гектар, Бўстонлиқ туманидаги «Абдурахим ва Рухсатгул» фермер хўжалигида 0,8 гектар, жами 2,3 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига ўртача 67304 кўчат етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектарига ўртача 0,8% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, шунингдек 3 та ўқув-услубий қўлланмалар ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда уруғмевалилар**

кўчатларини етиштиришнинг назарий ва амалий асослари» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, уруғмевалиларни вегетатив йўл билан кўпаювчи кучсиз ўсувчи пайвандтагларининг морфо-биологик хусусиятлари ва ишлаб чиқариш таърифи, интенсив боғлар барпо қилиш учун уруғмевалиларни вегетатив йўл билан кўпаювчи клон пайвандтагларининг қўлланилиши, уруғмевалиларнинг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари турларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кучсиз ўсувчи пайвандтагларда уруғмевалилар кўчатларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг **«Тадқиқот дастури ва услублари»** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала ва лаборатория тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Уруғмевалилар кучсиз ўсувчи пайвандтагларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси»** деб номланган учинчи бобида уруғмевалиларнинг кучсиз ўсувчи истиқболли пайвандтагларининг морфо-биологик хусусиятлари ва ҳўжалик аҳамияти илмий асосда баҳоланган. Хусусан, ушбу бобнинг **«Уруғмевалилар кучсиз ўсувчи пайвандтагларини она кўчатзордаги ҳолатини ҳўжалик-биологик баҳолаш»** деб номланган бўлимида пайвандтаг ўсимликларининг она кўчатзорда ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда пайвандтаг она ўсимликларида новдаларнинг илдиз олувчанлиги ўрганилган.

Нок ва беҳи учун қўлланиладиган беҳи пайвандтаглари ўсиши ва ривожланишини кузатиш шуни кўрсатдики, улардан «R₃» ва «R₄» пайвандтагларининг ўсиши ва ривожланиши энг юқори (4,8 ва 4,6 балл) кўрсаткичларда бўлди. Энг паст кўрсаткичлар «А», «С» ва «ВА-29» пайвандтагларида қайд этилди, уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари мос ҳолда 3,5; 3,7 ва 3,6 балл оралиғида баҳоланди. Нок ва беҳи учун қўлланиладиган пайвандтагларнинг бошқа намуналари ҳолати эса қониқарли бўлиб, 4,0-4,4 балл оралиғида бўлди (1-жадвал).

Нок учун беҳи пайвандтагларининг деярли барчасида асосий новдасининг бўйи деярли бир хил баландликда бўлди ва назоратдан сезиларсиз фарқланди. Асосий новданинг энг юқори узунлиги «Алуштинская» ва «Херсонская» пайвандтагларида қайд этилди, уларнинг узунлиги мос ҳолда 61,3 ва 64,4 см ни ташкил этди. Ушбу пайвандтагларнинг назорат – «А» типига (51,4) нисбатан фарқи мос ҳолда 9,9 ва 13,0 см га тенг бўлди.

Кўчатчилик амалиётидан маълумки, пайвандтаглар она тупларидан

ажратиб олинадиган пархиш новдаларнинг сифати биринчи навбатда улардаги мавжуд илдизларнинг ҳолати билан баҳоланади. Бундай пархиш новдаларнинг илдиз олувчанлиги эса ҳар бир пайвандтаг турининг ўзига хос биологик хусусияти ҳисобланади.

1-жадвал

Уруғмевалилар кучсиз ўсувчи пайвандтаглари ўсимликларининг она кўчатзордаги умумий ҳолати, балл (2009-2011 й.й.)

Пайвандтаг тури	Она тупларнинг умумий ҳолати, балл			
	2009 й.	2010 й.	2011 й.	3 йиллик ўртача
Нок ва беҳи пайвандтаглари				
А – назорат	3,6	3,6	3,4	3,5
С	3,7	3,6	3,7	3,7
R ₃	4,8	4,8	4,7	4,8
R ₄	4,6	4,5	4,6	4,6
R ₅	4,4	4,4	4,3	4,4
Алуштинская	4,3	4,1	4,1	4,2
ВА-29	3,7	3,6	3,5	3,6
Херсонская	4,1	4,1	4,0	4,1
Форма «У»	4,0	3,9	4,0	4,0

Беҳи ва нок учун қўлланиладиган беҳи пайвандтаглари турлари она ўсимликларида пархиш новдаларнинг илдиз олувчанлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилган барча пайвандтаглар илдиз олишга биологик жиҳатдан мойил бўлиб, уларнинг пархиш новдаларида дастлабки кузатувдаёқ илдизлар шакллана бошлаганлиги қайд этилди. Бунда энг жадал илдиз олиш «R» сериясига мансуб пайвандтагларда қайд этилди. Илдизларнинг жадал шаклланиши билан айниқса «R₃» пайвандтаги алоҳида ажралиб турди (2-жадвал).

2-жадвал

Беҳи ва нок учун қўлланиладиган беҳи пайвандтаглари она тупларида ён новдаларининг илдиз олиш динамикаси, 2008-2017 й.й.

Пайвандтаг тури	Кузатиш санасида илдиз олган пархиш новдалар,%					
	30/V	15/VI	30/VI	15/VII	30/VII	15/VIII
А – назорат	18,9	41,2	58,7	61,4	66,6	79,8
С	17,5	43,4	61,1	63,5	69,7	80,7
R ₃	19,6	48,7	63,2	66,9	71,8	85,6
R ₄	16,4	40,3	57,6	60,2	70,9	81,2
R ₅	15,2	39,8	52,2	59,3	66,2	74,6
Алуштинская	15,8	40,7	55,1	58,7	65,1	79,5
ВА-29	17,3	42,8	57,2	59,9	63,1	72,9
Херсонская	14,3	38,8	50,7	55,1	60,8	70,2
Форма «У»	15,2	39,1	51,9	52,8	59,7	70,7
ЭКФ ₀₅	0,4	0,3	0,5	0,4	0,4	0,5
Sx,%	0,06	0,05	0,06	0,07	0,06	0,08

Пайвандтаглар она туплари пархиш новдаларининг илдиз олиш жадаллигидан ташқари, кузги қазиб олишда она тупларнинг илдиз олувчанлик даражаси ҳам аниқланди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўрганилган пайвандтагларнинг деярли барчаси Тошкент вилояти шароитида она кўчатзор шароитида яхши илдиз олди, демак улардан вертикал пархишлаш усулида пайвандтаг материалени етиштириш муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг нок ва олмани кучсиз ўсувчи пайвандтагларини пархишлаш усулида кўпайтириш бўлимида нок ва беҳи учун қўлланиладиган беҳи пайвандтаглари она ўсимликларининг пархиш маҳсулдорлигини пайвандтаг турига, она тупларни жойлаштириш схемаларига боғлиқлиги, шунингдек пархиш новдаларни ажратиш муддатининг уларни кўчатзорнинг биринчи даласида тутиб кетиш сифатига таъсири ўрганилган.

Она туплар пархиш маҳсулдорлиги ва сифатининг пайвандтаг турига боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, пархиш чиқиши кўрсаткичи бўйича ўзаро сезиларли фарқланди. Ўрганилган беҳи пайвандтагларида назорат «А» турига (27,4 дона/ўсимлик) нисбатан устунлик бирқанча пайвандтаг турларида қайд этилди, буларга «R₃» ва «R₄» турларини мисол қилиш мумкин, уларда пайвандтаг материаленинг назоратга нисбатан ортиқча чиқиши мос ҳолда 18,7 ва 14,4 дона/ўсимликни ташкил этди. Беҳи пайвандтагларида назоратга нисбатан кам пайвандтаг материали чиқиши «С» тури ва Форма «У» пайвандтагларида қайд этилди.


Таъкидлаш жоизки, пайвандтаглар она туплари кўчатзорга экилгандан сўнг 3-5 йилдан ортиқ вақт давомида етарлича кўп миқдорда пархиш олиш имконини берди. Нок пайвандтагларида кўп пархиш чиқиши билан «R₃», «R₄», «R₅», «Алуштинская» ва «ВА-29» турлари ажралиб турди. Уларда назоратга «А» турига (202,2) нисбатан пархиш чиқишининг ортиши она кўчатзордан фойдаланишнинг бешинчи йилида 19,9-57,6 минг/га пархиш оралиғида бўлди.

Пархиш чиқиши ва сифатига она тупларни жойлаштириш схемасининг таъсирини ўрганиш учун тадқиқот объекти сифатида беҳининг «R₃» тури ва олманинг ММ106 пайвандтаги хизмат қилди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, илдиз олган I ва II нав пархишларнинг энг кўп чиқиши 180х60 см схемада экилган вариантда қайд этилди. Бунда олманинг ММ106 пайвандтаги она тупларидан навли пархишларнинг чиқиши назорат (180 х 40 см – 22 дона/ўсимлик) вариантыга нисбатан 8 дона/ўсимликка, беҳининг «R₃» тури кучсиз ўсувчи пайвандтаглари она тупларида эса назорат (27 дона/ўсимлик) вариантыга нисбатан мос ҳолда 5 дона/ўсимликка ортиқ бўлди.

Пархиш новдалар тутувчанлигининг уларни она тупдан ажратиш муддатлари ва услубларига боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, пархиш новдаларнинг тутувчанлигига уларни она тупдан ажратиш муддати кучли таъсир кўрсатади. Бунда пархиш новдаларнинг энг юқори тутувчанлиги беҳи ва нок учун қўлланиладиган «R₃» турида ҳам, олманинг ММ106 пайвандтагида ҳам, пархишларни ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида ажратилганда ва ўтқазилганда қайд этилди ва мос ҳолда 87,8 ва 88,7% ни ташкил этди.

Пархиш новдаларни эрта баҳорда ажратиш ҳам, гарчи тутувчанлиги ноябр ойининг иккинчи ўн кунлигига нисбатан бирқанча паст бўлсада, яхши

натижа беради. Демак, куз мавсумида об-хаво ноқулай келган йили ушбу технологик тадбирни март ойининг биринчи ўн кунлигида амалга ошириш мумкин (1-расм).



1-расм. Она тупдан ажратиш муддатига боғлиқ ҳамда пархиш новдаларни тутувчанлигининг ўзгариши, % (2008-2017 й.й.)

«Уруғмевалилар кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яшил қаламчасидан кўпайтириш» бўлимида яшил қаламчаларнинг илдиз олувчанлигига ўстирувчи моддалар ҳамда она новдаларни тайёрлаш муддатининг таъсири ўрганилган.

Мевали ўсимликларни яшил қаламчасидан кўпайтиришда ўстирувчи моддалардан ва уларнинг сувда эритилган концентрацияларидан фойдаланиш, шунингдек яшил қаламчаларни тайёрлаш муддатлари тўғрисида кўплаб манбаларни учратиш мумкин. Бирок, республикамиз шароитида уруғмевалилар кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яшил қаламчасидан кўпайтиришда уларни тайёрлаш муддати, энг мақбул ўстирувчи модда ва унинг ишчи эритмаси концентрациясини танлаш бўйича ишлар кўлами анча кам. Шу боисдан тажрибаларимизда ўстирувчи моддаларнинг уруғмевали ўсимликлар пайвандтагарида регенерация жараёнларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Яшил қаламчаларга ўстирувчи модда ИМК ва ИСКнинг турли концентрациялари билан ишлов бериш шуни кўрсатдики, беҳи ва нокнинг кучсиз ўсувчи пайвандтагари ИМКнинг 80 мг/л, ИСКнинг эса 60 мг/л сув эритмаси билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. ИМКнинг ушбу концентрациясида илдиз олувчанлик беҳи ва нок учун қўлланиладиган «R₃» тур пайвандтагида 89,3% ни ташкил этади. ИСКнинг эса 60 мг/л сув эритмаси билан ишлов берилганда эса илдиз олувчанлик 81,1% га тенг бўлди.

Мевали ўсимликларни яшил қаламчасидан кўпайтиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан новдадан қаламчани тайёрлаш муддатига бевосита боғлиқ бўлади. Уруғмевалиларнинг яшил қаламчаларини муваффақиятли илдиз

олишини таъминловчи муддатни тадқиқ қилиш мақсадида ўрганилган пайвандтаглар она тупларидан қаламчалар май ойининг бошланишидан июн ойи ўрталаригача ҳар ўн кун оралиқ билан тайёрланди ва махсус иншоотга сунъий субстратларга экилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, нок учун қўлланиладиган беҳи пайвандтаглари июн ойининг биринчи ўн кунлигида, олма пайвандтаглари июн ойининг учинчи ўн кунлигида тайёрлаш ва экиш энг юқори натижа берди. Демак, яшил қаламчаларда ризогенез ва ер устки қисмининг регенерациясини кучайтириш учун уларни қуйидаги муддатда тайёрлаш ва экиш мақсадга мувофиқ: олманинг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари учун 21 майдан 30 майгача, беҳи пайвандтаглари учун 1 июлдан 11 июлгача. Олманинг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари 21 майдан 30 майгача муддатида қаламчаланганда уларнинг илдиз олувчанлиги пайвандтагларга боғлиқ равишда 81-87% оралиғида бўлди. Беҳи кучсиз ўсувчи пайвандтаглари илдиз олувчанлиги 1 июлдан 11 июлгача муддатида қаламчаланганда 81-90% га тенг бўлди. Нок ва олма пайвандтаглари яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги билан уларни тайёрлаш муддати ўртасидаги боғлиқлик даражаси ($r=0,87$) аниқланган;

Диссертациянинг **«Нокнинг кучсиз ўсувчи пайвандтагларида кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи боби нокнинг кучсиз ўсувчи кўчатларини етиштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга бағишланган.

Жумладан, ушбу бобнинг «Нок навлари пайвандуст куртаклари тутувчанлигининг беҳи пайвандтаги турига боғлиқлиги» бўлимида тутувчанлик ва кўчат ривожланишининг пайвандтаг турига боғлиқлиги ўрганилган.

Маълумки, боғдорчиликда бирор мевали ўсимлик пайвандтаг шаклига стандарт сортиментдаги навларнинг мос келиши муҳим ҳўжалик белги ҳисобланади ва у ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Пайвандтаг ва пайвандуст компонентларининг мос келмаслиги пайвандуст куртакнинг сустривожланиши, пайвандтаг бириккан жойда «қайнашнинг» юзага келиши, танача диаметрининг номутаносиб бўлиши, пайванд жойидан синиб кетиши, барглари жуда эрта сарғайиши ва тўкилиб кетиши ва бошқа салбий ҳолатлар билан юзага келиши мумкин.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, ўрганилган беҳи пайвандтагларига нок навларининг мос келувчанлигини аниқлаш мақсадида кўчатзорнинг иккинчи даласида махсус тадқиқотлар ўтказдик. Бунинг учун синалган барча пайвандтагларга нокнинг Зимняя нашвати 2 нави куртак пайванд қилинди ва келгуси йил баҳоридан бошлаб пайвандуст куртакларнинг ўсиши ва ривожланишининг биометрик параметрлари, яъни кўчат таначасининг диаметри, ўсимлик бўйи ва бошқа морфо-биологик кўрсаткичлар кузатиб борилди.

Қўлланилган беҳи пайвандтаглари тури нокнинг Зимняя нашвати 2 нави кўчатларини ер устки ва илдиз тизимининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бунда ҳосил бўлган новдаларнинг умумий узунлиги назорат «А» туридаги кўчатларга нисбатан «ВА-29» ва «Алуштинская» пайвандтагларида

энг юкори кўрсаткичларда бўлди. Новдаларнинг умумий узунлиги бўйича энг паст кўрсаткичлар беҳи пайвандтаглариининг «Херсонская» ва Форма «У» шаклларида кузатилди, уларга пайванд қилинган нок кўчатлари новдаларининг умумий узунлиги назоратга нисбатан 2,7-14,5% га паст кўрсаткичларда бўлди. Ўрганилган беҳи пайвандтагларида илдиз тизимининг шаклланиши ҳам ер устки қисмидаги каби тенденцияга эга бўлди.

Умуман олганда нокнинг Зимняя нашвати 2 нави кўчатларининг энг яхши тутувчанлиги ва ривожланиши беҳининг «R₃» тур пайвандтагида қайд этилди. Ушбу пайвандтаг турида кўчатлар танасининг диаметри 0,85 см, кўчат бўйи 96,1 см, ён шохлар сони 6 дона, I-тартиб илдизлар сони 18,7 ва шаклланган барглар сони 48 дона атрофида бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Беҳи пайвандтагларида етиштирилган нокнинг Зимняя нашвати 2 нави кўчатларининг биометрик параметрлари, 2009-2017 й.й.

Пайвандтаг тури	Танасининг диаметри, см	Кўчат бўйи, см	Ён шохлар сони, дона	Ён шохлар умумий узунлиги, см	I-тартиб илдизлар сони	Назоратга нисбатан, %
A – назорат	0,70	88,7	3	27,2	14,9	100
C	0,75	90,0	5	28,7	15,7	105,3
R ₃	0,85	96,1	6	30,3	18,7	125,5
R ₄	0,73	99,1	3	28,2	15,5	104,0
R ₅	0,75	85,4	4	29,4	16,1	108,0
Алуштинская	0,80	100,0	5	27,7	20,0	134,2
BA-29	0,78	95,4	4	33,2	19,0	127,5
Херсонская	0,74	88,4	5	30,1	14,2	95,3
Форма «У»	0,80	87,2	3	29,1	14,0	93,9
ЭКФ ₀₅				0,4	0,5	
Sx, %				0,06	0,08	

Диссертациянинг «Нокда куртак пайванднинг тутиши, ривожланиши ва юкори сифатли кўчат чиқишига пайванд қилиш муддати ва куртак ости ёғочликнинг таъсири» деб номланган бўлимида нокни пайвандуст куртакларининг тутувчанлигига пайванд қилиш муддати ва куртак ости ёғочликнинг таъсири ўрганилган.

Нокни ёзги куртак пайванд қилиш муддати республикамизда умумий қабул қилинган технологик картага мувофиқ июл-август ойларида тавсия этилган. Бироқ, ушбу муддат узоқ давомли бўлиб, ҳудудлар бўйича аниқ санани ифодаламайди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда республикамизга хориждан келтирилган кучсиз ўсувчи пайвандтагларга куртак пайванд қилиш учун бу муддатлар самарали натижалар бермаслиги мумкин. Негаки уларнинг физиологик ҳолати ва камбиал фаоллик даври республикамизда тарқалган маҳаллий пайвандтаглар билан бирқанча фарқланиши мумкин. Шу боис бундай муддатларни белгилаш пайвандтаг ўсимлик ва пайвандуст навнинг пайванд

қилишдан олдинги физиологик ҳолати, уларнинг озуқа ва сув тартиби, тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Булардан келиб чиқиб нокнинг Лесная красавица ва кечки Зимняя нашвати 2 навлари ўрганилган пайвандтагларга 20 июлдан 10 сентябргача бўлган муддатда ҳар ўн кун оралиқ билан куртак пайванд қилинди. Тажрибаларда олинган натижаларнинг кўрсатишича, нокнинг ёзги Лесная красавица ва кечки Зимняя нашвати 2 навларини вегетатив йўл билан кўпаядиган беҳи кучсиз ўсувчи пайвандтагларига куртак пайванд қилишнинг энг яхши муддати август ойининг иккинчи ўн кунлигидан сентябр ойи бошларигача бўлган муддатда (21-31/VIII) юзага келди. Мазкур муддатда пайванд қилинганда навли кўчатларнинг чиқиши пайвандтаг турлари бўйича 76-83% оралиғида бўлди.

Куртак пайванд қилишда куртакости ёғочликни олиб ташлаш ҳам тутувчанликнинг сезиларли ошишини таъминлади (2-расм).

2-расм. Пайванд учун кесиб олинган ёғочлиги қолдирилган ва олиб ташланган пайвандуст нок куртакларининг ички кўриниши



Таъкидлаш жоизки, аксарият кўчатчилик минтақаларида иш унумдорлигини, яъни бир кунда бир ишчининг пайванд қиладиган куртаклар сонини ошириш мақсадида пайванд учун кесиб олинган куртакнинг ёғочлик қисмига жиддий эътибор қаратилмайди ва деярли ҳамма вақт мана шу ёғочлиги билан пайвандтаг пўстлоғи остига жойлаштирилади. Унутмаслик керакки, кесиб олинган ушбу пайвандуст куртакнинг пўстлоқости ёғочлиги она новдадан ажратилганидан сўнг кўпинча нобуд бўлади ва куртакка пайвандтаг ўсимлигидан келадиган озуқа моддалари йўлида тўсиқ бўлиб қолади. Бу эса пайвандуст куртакка келадиган озуқа моддаларининг бирмунча камайишига олиб келиши мумкин.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, нокнинг ёзги Лесная красавица нави ёғочлик қисми олиб ташланмаган ҳолда куртак пайванд қилинганда жами сақланиб қолган пайвандуст куртаклар миқдори пайвандтаг турлари бўйича 74 дан 81% гача бўлган бўлса, у ҳолда ёғочлигини олиб ташлаб куртак пайванд қилинган тажриба вариантларида бу кўрсаткич 80 дан 92% гача оралиқда ўзгарди. Нокнинг Зимняя нашвати 2 навида ушбу технологик операция бажарилганда тутувчанликнинг ортиши Лесная красавица нави каби тенденцияси кузатилди.

Диссертациянинг «Куртак пайванд қилиш баландлигининг нок


кўчатларининг тутиши, ривожланиши ва юқори сифатли кўчат чиқишига таъсири» деб номланган бўлимида пайвандуст куртакнинг пайвандтагда жойлашган ўрни таҳлил қилинган.

Куртак пайванд қилишда пайвандуст куртакни пайвандтаг ўсимлигига жойлаштириш баландлиги ҳам унинг тутувчанлигида маълум рол ўйнайди. Гарчи пайвандуст куртакнинг пайвандтакка бирикиб тутиб кетишида унинг жойлашган баландлиги у қадар катта аҳамиятга эга бўлсада, аммо кузги-қишки даврдаги ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитлари, шунингдек кўчатзорларда ўтказиладиган тупроққа ишлов бериш билан боғлиқ агротехника тадбирлари уларнинг сақланувчанлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон шароитида пайвандуст куртакларни пайвандтаг ўсимликларига жойлаштириш баландлиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, пайвандуст куртакларни сақланиб қолишининг уларни пайвандтаг ўсимлигида жойлашган ўрнига боғлиқлигини кузатиш бўйича тадқиқот ўтказилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, нок навлари пайвандуст куртакларини кучсиз ўсувчи пайвандтагларнинг илдиз бўғзидан 5 см баландликка пайванд қилиш куртакларнинг энг яхши сақланиб қолишини таъминлади ва жами тутган куртаклар сонининг энг юқори миқдори (43656 минг дона/га ёки 76,3%) қайд этилди.

Диссертациянинг «Нок навларининг беҳига мос келмаслигини интеркаляр пайванд қилиш усулида бартараф этиш» бўлимида нокнинг кўпгина навларида кузатиладиган беҳи пайвандтагига физиологик мос келмаслигини тутувчан нав қаламчасининг интеркаляр қўйилмасидан фойдаланган ҳолда бартараф этиш мумкинлиги тажрибалар билан исботланган.

